



Робия Султон Бегим, (тахминан 1435 — 1485) — Улугбекнинг Абулхайрхонга турмушга чиқкан кизи. Уч ўғил, шу жумладан Кучкунжи Хоннинг онаси. Унинг шарафига ўғиллари Туркистон шахрида макбара курганлар.



Рабия Султон Бегим астроном-олим ва Темурийлар давлати хукмдори Улугбекнинг кизи. У тахминан 1430-йилларнинг ўрталарида, пойтахт шаҳар Самаркандда тугилган. Улугбекнинг Туркон, Хонзода бегим, Кутлуг Туркон ога, Султонбахт, Ок Бош, Робия Султон бегим исмли бир неча кизлари бор эди. 1449 йилда Улугбек ағдарилиб, ўғли Абдуллатиф томонидан ўлдирилди, ўз навбатида, Абдуллатиф падаркушлиги учун 1450 йилда ўлдирилган. Хокимият Робиянинг камокдан озод килинган амакиваччаси, фукаролик низолари пайтида Улугбек тарафида бўлган Абдуллох ибн Иброҳим кўлига ўтди. Аммо 1451 йилда Темурий Абу Саид ўзбек кўчманчилари хукмдори Абулхайр Хон ёрдамида Абдуллохни мағлуб этди ва уни қатл қилди. Абу Саид ва унинг кўшини Самаркандга биринчи бўлиб кириб келишди ва ўзбекларнинг уни талон-тарож қилишларига йўл қўймадилар ва бу воқеадан кейин иттифокчини тинчлантириш учун мўлжалланган совгалардан бири сифатида Абулхайрхоннинг тўртинчи хотинига айланган Робияни (ўз бўласини) тақдим этди. Америкалик олим Оллворс таъкидлаганидек, Робия Султон бегим «Шайбонийлар ва Темурийларни қариндошлик алоқалари билан боғлади ва икки рақиб гуруҳ ўртасида

сиёсий иттифок тузди».

Мирзо Улугбекнинг ўзи ўзбек хони Абулхайрхоннинг кизига уйланган, ундан Темур исмли ўгли бор эди, лекин у болалик чоғларида вафот этган. Рабиянинг Абулхайрдан учта ўгли бор эди: Кучкунжи Хон, Суюнчхўжа Хон ва Ок-Бурун Султон. Робия Султон Бегим халк томонидан хурматга сазовор бўлган ва сиёсатга таъсир кўрсатган. Чунончи, у жияни Мухаммад Жукига Самарканд учун курашда Абу Саидга қарши ёрдам сўраганда унга ёрдам берган. Абулхайр уни хотинининг қариндоши сифатида илик қутиб олди ва ёрдам беришга рози бўлди.



1468 йилда (ёки 1469 йилда) эри вафот этгандан кейин у Туркистон шаҳрида яшаган ва 1485 йилда вафот этган. Робиянинг қабр тошида у "яхши ишлар билан танилган ва олийжаноблиги билан ажралиб турарди" деб ёзилган. «Абулхайрхон тарихи» асарида у «шахина, буюк она, бешик ва энг юкори парда, ўз даврининг Билкиси» деб аталган (яъни, Сава маликасига нисбат берилган). Унинг шарафига макбара қурилган бўлиб, у 19-аср охиригача сақланиб қолган ва 1980 йилда қайта қурилган.

Маданиятдаги ўрни

Робия Султон-бегим козок ёзувчиси Илёс Есенберлин каламига мансуб "Сехрланган килич" романида («Кўчманчилар» трилогияси) муҳим роль; ҳар нарсадан шубҳаланувчи Абулхайр хоннинг ноўрин рашика дучор бўлган.

У роман асосида сурагга олинган «Козок хонлиги: олмос килич» (2016) фильми персонажи; фильмда унинг Жанибек Хон билан ишқий муносабатлари ҳақида (асоссиё равишда) гапирилади.

Абу Муслим тайёради